

ШАРҚОНА ПОЭТИК ИФОДА ИМКОНИАТЛАРИ

Тозагул Ражаповна МАТЁҚУБОВА

Филология фанлари номзоди, доцент

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

ВОЗМОЖНОСТИ ВОСТОЧНОГО ПОЭТИЧЕСКОГО ВЫРАЖЕНИЯ

Тазагуль Раджаповна МАТЁКУБОВА

кандидат филологических наук, доцент

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои, Ташкент, Узбекистан

OPPORTUNITIES OF EASTERN POETIC EXPRESSION

Tozagul Rajapovna MATYAKUBOVA

Professor, philology candidate of sciences

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature Named after Alisher Navoi,
Tashkent, Uzbekistan tozagul_matyakubova@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 82.091

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Матёкубова Т. Р. Шарқона поэтик ифода имкониятлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 3 (32), — Б. 257-275.

<https://doi.org/10.36078/1596789238>

Received: June 9, 2020

Accepted: July 15, 2020

Published: July 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Ушбу мақолада Гафур Ғулом шеърятига Шарқ адабиётининг таъсири масаласи ўрганилган. Унда истеъдодли ўзбек шоири Гафур Ғуломнинг Шарқ адабиётига муносабати, ижоди такомили ва ўзига хослигида бу адабиётнинг муҳим манба ролини бажаргани таҳлил этилади. Шоир шеърятининг Бедил ва Умар Хайём ижодига муштарак жихатларини ўрганиш орқали Гафур Ғулом ижодининг ўзига хос қирралари ҳақида мулоҳаза юритилади. Шунингдек, мақолада Гафур Ғуломнинг адабий анъанага бўлган муносабати, ижодининг поэтик сержилолиги, асарларининг бадий-фалсафий ўзига хослиги ҳақида хулосалар чиқарилади.

Гафур Ғулом нафақат Шарқ шоирлари ижодини теран англайдиган, уларнинг кўплаб шеърларини ёд биладиган етук билимдон ва хотира қуввати кучли инсон, балки сўз санъати нафосатини чин дилдан ҳис қиладиган, қалбида бу адабиётга нисбатан чексиз муҳаббат мужассам қомусий билим соҳиби бўлган. Шунинг учун ҳам унинг асарларида шарқона ифода усули ва фалсафийлик мужассамдир. Муаллиф ушбу мақолада Гафур Ғулом шеърятдаги Шарқ адабиётига муштаракликни Бедил ва Умар Хайём ижодига боғлаб ўрганган.

Калит сўзлар: анъана; бадий маҳорат; ўзига хослик; лирик қаҳрамон; муштараклик; образ; ғазал; байт; туйғу; кечинма. муштараклик; образ; ғазал; байт; туйғу; кечинма.

Аннотация. В статье рассматривается влияние восточной литературы на поэзию Г. Гуляма. Анализируется роль талантливого узбекского поэта Гафура Гуляма в развитии восточной литературы, ее творческом развитии и самобытности. Изучая общие черты поэзии Г. Гуляма и творчества Бедила и Омара Хайяма, можно понять особенности творчества Г. Гуляма. В статье также сделаны выводы об

отношении Г. Гуляма к литературной традиции, о поэтическом богатстве его творчества, художественной и философской оригинальности его произведений.

Гафур Гулям был не только зрелым ученым с глубоким пониманием произведений восточных поэтов, но также он обладал энциклопедическими знаниями и искренне любил литературу. Именно поэтому многие образцы его творений содержат восточные методы выражения мысли и философии. В статье автор исследует черты восточной литературы в поэзии Г. Гуляма в сравнении с творчеством Бедила и Омара Хайяма.

Ключевые слова: традиция; художественное мастерство; оригинальность; лирический герой; общность; образ; газель; стих; чувство; опыт.

Abstract. This article examines the influence of Eastern literature on the poetry of G. Ghulam. It analyzes the role of the talented Uzbek poet Ghafur Ghulam in the development of Eastern literature, its creative development and originality. By studying the commonalities of the poet's poetry with the work of Bedil and Umar Khayyam, it is possible to reflect on the peculiarities of the work of G. Ghulam. The article also draws conclusions about G. Ghulam's attitude to the literary tradition, the poetic richness of his work, the artistic and philosophical originality of his works.

Gafur Gulam was not only a mature scholar with a deep understanding of the works of Oriental poets, who memorized many of their poems, but also an encyclopedic knowledge with a sincere love for literature. That is why the samples of his creations embody oriental methods of expression and philosophy. In this article, the author explores the commonalities of Eastern literature in the poetry of G. Gulam on the example of the work of Bedil and Umar Khayyam.

Keywords: tradition; artistic skill; originality; lyrical hero; commonality; image; ghazal; verse; feeling; experience.

Кириш. Шарқ мумтоз адабиёти асрлар оша кўплаб ижодкорларимиз камолатида иждодий мактаб вазифасини бажариб келган. Шарқ шоирлари иждодий тажрибаларини ўрганиш, анъаналарини янгича йўналишда давом эттириш ижодкорларимиз учун давр адабиёти тараққиётига таъсир кўрсатиш ва ўз иждодий услубига эга бўлиш имконини берган. Ушбу фикрларимиз бевосита XX аср ўзбек адабиётининг етук намояндаси Ғ.Ғуломга ҳам тааллуқлидир. Ғафур Ғуломнинг машхур шоир, моҳир носир, етук таржимон ва академик даражасига етишишида салафлар иждоди муҳим рол ўйнаган. У нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, балки Шарқ адабиёти намуналарини ҳам кунт билан ўрганган ва улардан маънавий озуқа олган. Шоир илк иждодидан то умрининг охиригача Шарқнинг машхур мутафаккирлари асарларини пухта ўқиб-ўрганиб, улар анъаналарини ўзлаштирган ва янада ривожлантирган.

Ғафур Ғулом Шарқ адабиёти намояндаси иждодини севиб ўрганиш билан бир қаторда ўзини бу адабий анъаналарнинг вориси деб билган. Шунингдек, шоир форс-тожик адабиётининг Абу Абдулло Рудакий, Шайх Муслихиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Умар Хайём, Абулқосим

Лохутий, Мирзо Турсунзода сингари вакиллари асарларидан кўплаб намуналарни тилимизга маҳорат билан таржима қилган.

Унинг ижоди Шарқ адабиётидаги салафларидан таъсирланиш, улар адабий меросига ижодий муносабатда бўлиш асосида шаклланган ва юксалган.

Ғафур Ғулом Шарқ адабиёти намуналари билан мактаб ёшларидаёқ танишишга мушарраф бўлган. Шоир “Таржимаи ҳоли”да маҳалла мактабида Бедилдан “Маслак”ка ўтиб тугатганини айтади. У отаси вафот этган 1912-йил ҳақида сўз юритар экан, “Мен 9 ёшда, кичик синглим Баҳри 6 ойлик эди... Мен бу ёшда аллақачон саводим чиққан, Навоий, Ҳофиз, Саъдийларни бемалол ўқир эдим, чиройлигина хатим ҳам бор эди. Бунчалик тезфаҳмлики биз ўқиган эски мактаблардан кутиш қийин эди” (8,14) – дея эътироф этади.

Ғафур Ғуломнинг Шарқ мумтоз адабиётига меҳр қўйишида бир томондан оилавий муҳит, яъни ота-онасининг адабиёт ва шеърятга ихлосманд кишилар бўлганлиги сабабчи бўлса, яна бир жиҳатдан, тенгсиз иқтидор, юксак қобилият, сўз санъатига тўғма истезод, тезфаҳмлик ҳам сабабчи бўлган. Форс тилини мукамал билгани, араб тилидан ҳам яхшигина саводи бўлгани учун у форс-тожик адабиёти намуналарини аслиятда ўқиш имконига ҳам эга эди.

Асосий қисм. Шарқ адабиёти анъаналари Ғафур Ғулом асарларининг руҳи ва табиатига сингиб кетган. Шоир мумтоз адабиётимиздаги вазн, шакл, образ, шеърини санъатлар ва тасвир усулларидан ижодий фойдаланган. Адабиётшунос С. Мамажонов Ғафур Ғуломнинг Шарқ шоирларига муносабати ҳақида тўхталиб, бу жараёни куйидагича изоҳлайди: “...улар асарларини бевосита ўқиб-ўрганди (а), улар тўғрисида илмий-текшириш ишларини олиб борди ва мақолалар ёзди, докладлар қилди (б), улар асарларини нашрга тайёрлади (в) ва таржима қилди (г) (2, 155-158).

Шоир Шарқ адабиёти анъаналари янги ўзбек адабиёти учун муҳим тажриба мактаби бўлиб хизмат қилишини исботлаб беради, бу адабиётни ижодий ўрганиш бадий ижодда юксакликка кўтарилишининг муҳим омили эканлигини асослайди. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом ёш ижодкорларга: “...Шарқнинг каттакон адабиётини билиш” лозимлигини, “...Шарқ адабиётини кунт билан ўқиш керак”лигини қайта-қайта таъкидлайди. Арузнинг кўпгина вазнлари ўзбек тилига мос келиши, уларда бемалол ёзиш мумкинлигини таъкидлайди (11, 65- 68)

Адабиётшунос А. Ҳайитметовнинг куйидаги фикрлари бу жиҳатдан характерлидир: “Ғафур Ғулом ўзбек адабиётини, хусусан, унинг мумтоз қисмини умумий катта Шарқ адабиётининг бир бўлаги деб қарар, ўзбек адабиёти тарихини шу тарзда ўрганиш тарафдори эди” (14, 56).

Фалсафий-эстетик қарашларини образли ифода этишда Ғ. Ғулом баъзан Шарқ шоирлари ижодига хос жиҳатлардан

моҳирона фойдаланади. У “Сарҳисоб” шеърда Навоий, Бедил ҳақидаги қарашларидан ташбеҳ яратишда фойдаланади:

Навоий байтидай тўлқинли ёшлик,

Бедилнинг шеърдаи фалсафий умр,

Вазну қофияси мустаҳкам ҳаёт

Роман ўқилгандай ўтиб бормоқда,

Этаги қўллардан кетиб бормоқда (8, 197).

Шеърда Ғафур Ғулом ёшликка хос шиддатни Навоий байтларига, кексаларга хос фалсафийликни Бедил шеърига қиёслаш орқали бадий аниқликни таъминлай олган. Шеърдаги ҳаётнинг абадий ўзгармас қонуниятлари шеърнинг вазну қофияси мустаҳкамлигига, умрнинг ўтиб бориши эса роман ўқилишига ўхшатилиши қутилмаган поэтик кашфиётдир.

“Ҳаётимиз ҳали минг “Шоҳнома”лар бўлади”, “Фирдавсий мисрасидай томирда ғулу”, “Гўё шеърда Бедил ғазали бўлур”, “Минг “Шоҳнома” дostonини қонлар билан битгулик”, “Ишқу вафоларнинг “Хамса”син ёзган Жомий, Навоийнинг асрий нидоси”, “Кошқийди халқим учун Ҳофиз ғазалларидек Тинч-омонлик замоннинг лирикасин ёзолсам” каби яна кўплаб мисралар Ғафур Ғуломнинг Шарқ шоирларига бўлган ҳурмати, муҳаббати, ҳавасини ёрқин далиллайди.

Академик шоир Ғафур Ғулом маънавий-руҳий таъсирланган, кўплаб шеърларини ёд билган, асарларидан илҳом олган гениал шоирлардан бири Мирзо Абдулқодир Бедилдир. Шоир замондошларидан бири Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон Ғафур Ғуломнинг Бедилга муносабатини хотирлар экан: “...Ғафур Ғулом адабий учрашувларда, дўстона гурунларда ўзини Мирзо Абдулқодир Бедилнинг тўққизинчи невараси, деб атарди. Зеро, бу бир қараганда ҳазил-мутойибадаи туюлса ҳам, аслида чин! Бу гапнинг тагида олам-жаҳон ҳақиқат ётади. Ғафур Ғулом зуваласига Бедил хамиртуриши, унинг қаламига ҳазрат Навоий назари тушган десам, адашмайман” (5, 41), — деб ёзади.

Шоирнинг Бедил шахсияти ва ижодий меросига бўлган муҳаббат-ихлоси ва ҳурмат-эҳтироми нечоғлик эканини унинг эътирофлари ёки замондошларнинг хотирлари таяниб эмас, кўпроқ адабий мероси мисолида кузатиш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, Мирзо Абдулқодир Бедил китоблари Ғафур Ғуломга ҳамиша йўлдош бўлган. Кўпинча бирор шеър ёзиш олдидан Бедил асарларини ўқиб, ундан руҳий мадад олган Ғафур Ғулом устоз ижодий лабораториясига чуқур кириб борган. У Бедилдан воқеликни бадий идрок этиш ва ифодалаш усулларини, ҳаёт ва умр, инсон ва тақдир, азал ва абад ҳақидаги залворли фалсафий қарашларни нафис бадий ифода этиш маҳоратини ўрганган.

Кўринадики, Бедил адабий меросининг Ғафур Ғулом ижодига таъсири ниҳоятда кучли ва кўпқиррали бўлиб, биз унинг айрим жиҳатларигагина тўхталиб ўтдик.

Бедил шеърляти ғоявий-эстетик асосини ҳаёт ва инсоннинг санъаткорона поэтик талқини ташкил этади. Унинг кўплаб шеърларида акс этган бадиий умумлашмалар бунга яққол мисол бўла олади. Шоир рубоийларидан бирида инсон ҳаётининг мазмуни биродарининг қалбига қулоқ тутишда, одам боласини тушунишда, ўткинчи ҳою ҳаваслардан тийила билишда, ўзи мансуб бўлган халқ тақдирига жонфидалиқда, қайноқ ҳаёт кучоғида куюнчақлик қилишда эканлиги уқтирилади. Тириклик аталмиш олий неъматнинг мазмун-моҳияти инсонпарварлик билан белгиланади. Бедил лирик қаҳрамони ҳаёт ҳақида сўз юритар экан, уни “жон қийноғи”, “қон ютмоқ” деб билади:

Ҳаётни жон қийноғи, қон ютмоқ деб бил,

Ҳаёт-мамонт айшидан қутулмоқ мушуқул.

Халқ ичра яшаб ундан ажралмоқ хато

Одамзод тиригида суҳбатга қобил (1, 14).

Бу хил қарашларга муштараклик Ғафур Ғулом шеърларида ҳам кўп учрайди. У инсониятнинг эрк ва озодлик ҳақидаги орзу-ҳаваслари шунчаки тилак бўлиб қолмай, реал ҳаётда рўёбга чиқаётганлиги, миллионлаб қалбларнинг идроки бир зарб билан тепиб, ягона мақсад сари интилаётганлигидан мамнунлигини ифодалайди. Айни пайтда, у моддий дунёнинг абадиятга алоқадорлиги билан инсон тафаккурининг кашф этувчилик, яратувчи ва бунёдкорлик қудратини қиёслар экан, илм-амал одамзодни боқийликка дахлдор қилажагини уқтиради:

Ҳаваслар — тилак бўлди, тилақлар — аниқ ҳаёт,

Бир зарбда тепиб турган миллион қалб идроки бу.

Ўз ақли қанотида ўзи учган одамзод,

Кашф этар ўлмастикни моддий оламдай мангу (10, 330).

Ғафур Ғуломнинг макон-замон ҳақидаги фалсафий умумлашмаларида бедилона қамров ҳамда ҳаёт ва инсон хусусидаги фикрларида устоз шеърлятига хос теранлик таъсирини илғаш мушуқул эмас. Айни пайтда шоир ашъорларида ўзи яшаб ижод этган даврнинг нафаси айрим услубий-ифодавий ўзига хосликларда тўла бўй кўрсатади. Бу ҳолат реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқланган замонавий шоирнинг тарихий қиёслар орқали бани одамзод номидан сўзлаб, умуминсониятга дахлдор хулосалар чиқаришидан юзага келади.

Бедил рубоийларидан бирида инсон илк яратилишидаёқ мукаррам зот саналгани самимий эҳтиром билан шеърлий идрок

қилинади. “Ҳазрати инсон”га эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш нафақат кишининг билимдон ва хушёрлиги, балки “паст-баланд” яъни ўн саккиз минг олам асрорига собит эътиқод билан назар ташлай олишининг ҳам нишонаси экани айтилади. Англашиладики, шоир ўз фикрларини тасдиқлаш учун кибрга берилиб, инсонга сажда қилмаган ва лаънатланиб, Аллоҳ даргоҳидан қувилган иблис билан боғлиқ ривоятга ишора қилиш орқали инсон зотининг буюклигини тасдиқлайди. Буни унутганлар шайтон каби лаънатланиб, шармисор бўлиши муқаррарлигини қайд этади:

Кимки паст-баландга қарагай хушёр,

Иблис малъунлигин тушунар бисёр.

Ким қибла билмаса ҳазрат инсонни

Ўша лаънатланиб бўлур шармисор (1, 19).

Инсон, аввало, билиш қобилиятига эгаллиги, яъни тафаккур қудрати билан эъзозга лойиқ шарафли зот эканлигини таъкидлаган Ғафур Ғулом ҳарфий санъатдан фойдаланиб, одамзод наслини муқаддас санашдек бедилона юксакликка кўтарилади:

Билмак шарафидек юксак зинадан

Одамзод шунчалик кўтарилолди.

“О” ҳарфи “Д” ҳарфи ҳурмати учун

Одам деган муқаддас номни олди (9, 74).

Шоир тасаввурича, инсонни юксак маъволарга элтувчи шундай бир зина борки, унинг номи “билмак шарафи”дир. Одамнинг муқаддаслиги, ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиши ҳам унинг мазкур зинадан қанчалик юксакликларга кўтарила олишига боғлиқдир. Шоир фалсафий умумлашмалари XX аср шароитида инсонга берилган энг юксак таъриф эканлиги билан эътиборлидир. Зеро, ҳарфлар воситасида одам муқаддаслигини бадий ифодалаш шеърятимизда кам кузатиладиган бу ҳодиса Ғафур Ғуломга хос поэтик маҳоратнинг намоён этилишидир.

Камтаринлик, илм-маърифатни улуғлаш, эркинлик, озодлик, тинчлик, умр ўткинчилиги, ўзликни англаш, улуғворлик, нафс бандаларини қоралаш каби ғоялар талқинида Бедил ва Ғафур Ғулом ижодий меросида муштараклик кузатилади. Барча шеърларида Ғ.Ғулом бедилона ифода воситалари, образлар олами, фалсафий умумлашмалари орқали ўз даври ҳаётига доир муайян тушунча ва туйғуларни акс эттиради. Шоир устоз Бедил фикрларини янада ривожлантириб, у қўллаган ифода воситалари ва усулларини янги ҳаёт ҳақиқати ва бугунги кўнгил

товланишларини акс этиришга йўналтиради. Бунда у Бедил маҳорат мактаби тажрибаларини ўзлаштириш билангина чекланмай, ўз санъаткорлигини ҳам тўла намоён эта олади. Бедил эркинлик ҳаваси ҳамиша инсонга йўлдош эканлиги, фоний дунёда ана шу туйғу эртанги кунга умид, истиқболга ишонч бағишлашини таъкидлар экан, чинакам эркинлик эҳтимол бўлган ўз замонасидан озурда қалб титроғини шундай ифода этади: “Ҳавас таркин этмоқ кўп маҳол бунда, Эркинлик фақат бир эҳтимол бунда” (1, 8). Ғафур Ғулом шеърларида озодлик барча халқлар қалбидаги покиза умид, шонли орзу эканлиги таъкидланади. Шоир ўз даври кишиси, хусусан, ўз тақдирини ҳам олис боболар орзу-армонлари билан пайвасталикда, жаҳон халқлари тақдирига ҳамоҳангликда идрок ва ифода этади: “Озодлик аталган шонли орзудир Халқлар қалбидаги умид тозаси”. Ҳар иккала шоир ҳам ўз шеърларида эркинлик ва озодлик мавзусини қаламга олишган. Бедил ушбу шеърда эркинлик фақатгина бир эҳтимол бўлган замонасида дилидаги тугёнларини акс эттирган орзу-ҳаваслари бир олам қалам соҳиби сифатида намоён бўлади. Ғафур Ғулом эса озодлик инсонлар қалбидаги “умид тозаси”, яъни покиза, янги орзу эканлигини замон нуқтаи назаридан қиёсий-тарихий, макон жиҳатидан эса дунёвий йўсинда образли тарзда ёритади. Яна бир ўринда эса Бедилнинг: “Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши, Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши” каби фалсафий-дидактик теран фикрлари моҳияти Ғ.Ғуломнинг “Инсон юлдузларга учса ҳам аммо Она ер сатҳига қўнар оқибат”, — деган мисраларига сингдирилганлиги кузатилади.

Бедил ҳар бир қалб тепишида ўзига хос наво, ҳар бир фикрловчи инсон бошида ҳавас ва интилиш шуъласи мавжудлиги билан инсон зотининг тақдири муштарақлигини айтади, аммо ҳар бир одам боласи ўз ташвишлари билан ўзгани англамай ўтишидан авсусланиб ёзади:

*Ҳар юрак тепишин бор ўз навоси,
Ҳар бошнинг шуъладор бордир ҳавоси.
Не сўрайсан нафас асирларидан
Ҳар занжир ҳалқасин бор ўз садоси* (1, 46).

Ғафур Ғулом ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, инсоннинг ҳар бири ўзига хос алоҳида олам экани, уларнинг бетакрор феъл-атвори, қалби, қувонч ва қайғуси мавжудлигини қайд этади, ўз атрофини қуршаган кишиларни дардкашлик туйғуси бирлаштиришини таъкидлайди:

*Неча-неча кишилар-ла айладим суҳбат,
Бириси мақтанар, бириси — ҳасрат,
Ҳаммининг ўз қалби, қувончи, дарди,
Бедард эмас эди танишлар фарди* (10, 329).

Мазкур мисралар инсонлар яқранг эмаслиги, ҳар бир кишининг ўз олами, тасаввурлар дунёси, ҳаёти борлигини англатади. Турли давр ва ҳар хил минтақаларда яшашларига қарамасдан ҳар икки шоир ҳам инсонни идрок этишга, унинг

қалби, ҳасрати, дарди ва қувончини тушунишга, алоҳидалик ҳамда умумийлик жиҳатларини нозик илғашга интилиши билан муайян даражада руҳан муштаракдир. Айни дамда англаган ҳақиқатларини ўзига хос тарзда ифода этганлиги билан уларнинг ҳар бири индивидуалдир.

Бедил ўзликни англашни чин инсонлик меъёри деб билади. Дунё молини инсонни асл моҳиятдан чалғитувчилиги учун қоралар экан, яралмишларда унинг ижодкорини кўришга ундайди:

*Ашё — назаримиз олғувчи кўзгу
Асло зикри эртак тингламоқи бу.
Барчаси инсондан қочирар узоқ
Асли инсон бўлмоқ ўзни билмоқ-ку (1,15).*

Ғафур Ғулум инсоний гўзалликни борлиқни идрок этишда, ўзликни англаш, тафаккур қудрати билан мукаррам бўлмоқда кўрар экан, Бедил ғояларидан туртки олади. Дарҳақиқат, Бедилга хос ҳаёт ва инсонни синчков кузатиш Ғ. Ғулумнинг образ ва тасвирий ифодалар яратишида муҳим ўрин тутди: “Кишилиқ ўз-ўзин, атроф оламни / Англамоқ шарафи билан гўзалдир”, — дейди у. (10, 53)

Бедил моҳиятни данакнинг мағзида деб билади. Пўстлоқ эса маънони яширган шунчаки қобиқ холос. Бошқачароқ айтганда, жисм эмас, балки руҳ бирламчидир. Шоир бу фикр ифодаси учун табиатдан қиёслар ахтарар экан, шундай ёзади: “Ўз маъно қиссасин очган ул дона, / Илдиз ёриб отди ер ичра шона” (1,23) .

Ғафур Ғулум ижодий меросида ҳам табиатнинг нозик жилваларини ғоятда синчковлик билан кузатиш асосида яратилган ифодалар анчагина. Жумладан, шоирнинг: “Қиррасига куёш нурин кўчирган шабнам”, “Олти қирра қор парчанинг учида / Илғанади куёшчалар парпираб”, “Ғунчадаги зарларнинг / Тилларанг қуқунлари/ Болга айланиб кўчар, / Кўз илғамас томчидай” каби мисраларда бу ҳолат намоён бўлади. Шоир ҳамиша ҳам соф табиатнинг гўзал лавҳалари тасвирига фалсафий маънолар юклашга уринавермайди. Шунга қарамадан, оддий инсон кўзи билан илганмайдиган шабнамнинг қирраларига кўчмиш офтоб нурларининг жилосини, оддий қор парчасининг қирраларинигина эмас, балки унда парпираётган куёшчаларни, ғунчанинг лабларидаги тилларанг зарларни шоирона нигоҳ билан кўра билмоқ, туймоқ ва ифода этмоқнинг ўзиёқ муаллиф маҳоратини намоён этади.

Ғафур Ғулум шеърятига Бедилнинг таъсири образ яратиш тамойилларида ҳам кўринади. Кўпинча, шоир мавҳум тушунчаларни образга айлантириб, ҳаётий ва реал нарсалардек санъаткорона тарзда моддийлаштиради. “Хаёл”, “умид”, “ишонч”, “доғ”, “қалб”, “кўнгил”, “дил”, “шодлик”, “ғам”, “дард” ва бошқа кўплаб образлар бунга мисол бўла олади (4, 42).

Бедил ва Ғафур Ғулум шеърятисида энг кўп учрайдиган образлардан бири “нафас”дир. Бу образ ҳар икки шоир ижодида гоҳ ўз маъносида, баъзан рамзий маънода қўлланилган ва у лаҳзалик умр, ҳаёт ва яшаш рамзи, борлиқ мавжудлиги ҳамда унинг муайян низомга бўйсундирилиши асоси сифатида талқин

этилади. Зеро, Бедил бир рубойсида уни “Борлиқнинг бунёди бемадор нафас”, — дея ифода этади. Бошқа бир ўринда эса “Жаҳон тартиботи бирликка эга, / Бу бирлик шубҳасиз нафасингда жам”, — деб ёзади.

Адабиётларда келтирилишича, Исо масиҳ нафаси ўткирлиги, ўликка жон бағишлаши билан машҳур бўлган. Мумтоз адабиётимиздаги кўплаб шеърларда маъшуқа сифатлари таърифида Масиҳнинг шу жиҳатига урғу берилади ва ёр нафаси ўликни тирилтирувчи кучга эгаллиги билан Исога тенглаштирилади. Бедил шеърлятида ҳам ана шу жиҳатга ишоралар кузатилади. “Сўз айтмоққа оғиз очса гар ёр, /тМасиҳ нафасида ажойиб бўй бор”. Бунда маъшуканинг сўз айтиш учун оғиз очиши талмеҳ санъати воситасида ўликни тирилтириш кудратига эга Масиҳ нафасига тенглаштирилади. Шеърда “нафас” тириклик ва ҳаёт манбаи маъносини билдириб келган. Лирик қаҳрамоннинг тушкун кайфияти ифодаланган ўринларда шоир “нафас”ни ҳам шунга монанд тарзда қўллайди. “Нафас хун бўлди-ю лабда йўқ фарёд,/ Муродга етмади бу дили ношод”. Лирик қаҳрамон нафасининг хун бўлиши унинг муродига ета олмагани, изтиробларини ошкор этмаса-да, қалби ғамлар юкидан эзилгани белгисидир. Баъзан шоир инсон табиатидаги янгиликка иштиёқмандлик ва ижтимоий бефарқликни тасвирлашда ҳам “нафас” образидан фойдаланади. “Бу дунёда ҳар дам янгилик ҳавас,/ Эскириб чиқади ҳар янги нафас”.

Бедил шеърлятида “нафас” ижод психологияси билан боғлиқ ҳолатларни тасвирлаш, шоир бадиий-эстетик концепциясининг асосларини ёритиш мақсадида ҳам қўлланилади. “Бир оламдир куйим сеҳру оҳанги, / Тобора очилур янги ва янги, / Каломим сайрида ғафлатда қолма, / Баҳорман, янги ҳар нафасим атри”. Рубойидаги ҳар бир сўз ва тасвирий ифода шоир нафасининг атрини кўнгиллаларга олиб кира олиши жиҳатидан унинг дил изҳорлари мақомида қабул қилинади. Зеро, шоир бадиий ижод намуналари оҳанг сеҳрининг таъсирида тобора янгиланиб борувчи ўзига хос олам эканлигини таъкидлайди. “Каломим сайри” бирикмаси кўчма маънода қўлланилган, у ижод намуналарига синчков муносабат талаб этилажаги, баҳорий атрини туйиш лозимлигидан огоҳ этади.

Шоир ўзини баҳорга ўхшатади. Ҳар бир нафаси, яъни ижод этган ҳар бир жумласи ўзига хос жилвакор ва бетакрор эканлиги, тингловчи ёхуд китобхонга янгича завқ ва ҳузур бағишлай олишига диққат қаратади. Бедилнинг бу фикрлари нафақат ўз ижод намуналари, балки умуман илҳом ва истеъдод билан битилган ҳар қандай асарга ёндашув тамойиллари ҳақида битилгандек туюлади. Илло, чинакам санъаткор сўз сеҳри ва нафосатига, мантикий залворига ўта талабчанлик билан ёндашадигина эмас, ҳар сафар ўзига хосликка эришади. Шу боис ҳам бундай дил изҳорлари шеърят аталмиш жозибали дунёнинг, умуман, эса адабиётнинг мангу барҳаётлиги сирларидан огоҳ этади.

Кўринадики, шоир “нафас” образидан бадиий ижодга нисбатан талабчанлик билан ёндашув тамойиллари, сўзнинг поэтик жилвакорлиги, мазмун салмоқдорлиги, эстетик

таъсирчанлиги ҳақидаги концепциясини таъкидлаш, китобхонни огоҳ этиш мақсадида фойдаланган. Демак, Бедил шеърлятида “нафас” образининг маъно қирралари анча кенг бўлиб, шоир ўз фалсафий-эстетик умумлашмаларини ифодалашда мазкур образдан маҳорат билан фойдаланган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, «нафас» образи Ғафур Ғулом шеърлятида ҳам кенг истифода қилинган. Шоир бу образга мурожаат этар экан, устоз Бедил таъсири доирасида қолиб кетмай, тўла ўзига хослигини намоён қилади. Шоир “нафас” образини вақт — ўткинчи ва абадиятга дахлдорлик, лаҳза — инсон умрининг энг кичик бирлиги сифатида талқин этади. Мазкур образ воситасида шоир ҳаёт завқи, яшашга иштиёқмандлик, умр мазмуни, келажакка умидворлик ғояларини бадий ифодалайди. “Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг”, — деганда шоир умр мазмуни лаҳзада мужассамлиги фикри кўламини космик қамровларда олиб қарайди.

Ғафур Ғулом “Ёзги тонготарда ўз боғинг ичра / бир нафас кезишинг — бир умр демак”, — деб ёзади. Шоир сўлим ёз тонги мусаффолигидан завқ туйган лаҳзалар инсон кўли билан яралган, унинг меҳнатлари самараси сифатида бунёд этилган боғда кечса, яратувчанлик завқ-шавқи, фахр, ифтихор туйғулари билан субҳидам мусаффолиги кўшилиб кўнгилга фарахбахшлик бағишлашини назарда тутуди. Туйғу-кечинмалар қоришиқлигидан пайдо бўлган мамнунлик ҳолатини тотлилиги жиҳатидан бутун бир умрга менгзайди. “Сизга илм конларин калидин берган устод / Ҳар нафас кузатади сиздан олади хабар” мисраларида эса сўз устозга муносиб шогирд бўлиш, унинг ўғитларини амал қилиб яшашнинг муҳимлиги ҳақида боради. Шоир “Ҳар болам уфурган нафасин атри — / Шеъримнинг энг етук, энг яхши сатри”, деб ёзар экан, шеърларига илҳом берган оилавий ҳаёти, оталик ғурури, мамнунлик туйғуларини изҳор этади.

Айни пайтда ижодкор илҳоми оилавий осойишталикдан ҳам туғилиши, реал ҳаёт қувонч-ташвишлари билан чамбарчас боғлиқ тарзда кечишини ҳам эътироф этади. “Нафас” образи шоир шеърлярида баъзан келажакка умидворлик ғояларини ифодалаш мақсадида қўлланилади: “Ҳаммамиз интилган улғу иқбол бор / Умид тонгларида оларкан нафас”. Шоирнинг лирик қаҳрамони ўзини улғувор мақсадлар йўлида бахтиёр кунлар сари интилувчан инсонлар сафида сезади. Унинг интилиш ва мақсадлари эса эртадан умидворлик билан нафас олади.

Кўринадики, бу ўринда шоир “нафас” образи воситасида инсонга ҳамиша ҳамроҳ бўлувчи юксак орзу-идеалларга умид туйғуси қанот беришини бадий ифода этган. Ғ. Ғулом лирик меросида баъзан “нафас” образи аниқ макон ва замон тушунчаси билан боғлиқликда идрок этилади. Бунда нафас инсон умрининг асосий мазмуни ва руҳ осойишталиги гарови сифатида таърифланади. “Инсон нафасидан жонда осойиш / Умр беамзундир замон бўлмаса” сингари мисралар фикримизни тасдиқлайди. Шоир “Тонг отди” шеърлятида шундай ёзади:

Умримнинг таноби чўзилмаса бас,

Номардлар истайди ҳайвонлар умрин.

*Яна юз йилларга этади нафас,
Мендан сўраб кўринг яшаш гурурин...
Яшамоқ шириндир, яшамоқ ширин (10, 138).*

Лирик қаҳрамон умр мазмунини мардона баҳолайди. Унинг назарида, мазмунсиз тарзда узоқ умр кўриш истаги ўз ҳузур-ҳаловатинигина кўзловчи номард кимсаларнинг инстинктив илинжи бўлиб, ҳайвоний моҳиятга эга. Аслида эса, умр мазмуни босиб ўтилган йилларнинг миқдори билан эмас, балки келажак насллар бир неча юз йиллар давомида гурур ва ифтихор туюдиган, абадиятга дахлдор моҳияти билан белгиланади. Шоир бунда “нафас” образи орқали инсонга ато этилган тирикликни, хусусан, ўз ижодий йўли ва меросининг мангуликка дахлдорлигига ишончини, кенг маънода эса, умуман, умр мазмунини ифода этади.

Шарқ адабиётининг Ғафур Ғулом ижодига таъсири ҳақида сўз юритганда, шоирнинг Умар Хайём ижодига муносабатига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Устоз шарқшунос ва таржимон Ш. Шомухамедовнинг Умар Хайём рубойлари таржималарини Ғафур Ғулом билан биргаликда таҳрир қилган пайтларини эслаб айтган фикрлари эътиборга моликдир: “Мен таржимамни ўқир эдим, ул киши (Ғафур Ғулом — таъкид бизники. Т. М.) тепамда туриб елкам оша столдаги қоғозга кўз ташлаб, форчасини ёддан ўқир эдилар. Устоз Умар Хайёмнинг деярли ҳамма рубойларини ёд билар эдилар. Бугина эмас, ҳар тўртлик муҳокама қилинганида бошқа шоирларнинг шунга яқин мазмундаги рубойлари, қитъа ва байтларидан келтириб кўярдилар. Айниқса, Мирзо Бедил асарларидан кўп келтирар эдилар. Шунда мен Ғафур аканинг хотира қувватларига қойил қолдим ва ул муҳтарам зот Шарқ адабиётининг мукамал қомуси эканликларини билдим” (13, 215).

Албатта, Умар Хайём ижодий меросини пухта билган, унга ҳурмати чексиз бўлган шоирнинг бу ижод намуналаридан таъсирланмаслиги мумкин эмас. Академик шоир “Рубойлар” номли мақоласида рубой жанри ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритар экан: “Қатрада океан, учқунда қуёш мазмунини бериш рубойга хос хусусиятдир. Рубойнинг пири устои аъзами, бутун ер юзи адабиётшуносларининг тан олишларича, олти-етти аср мобайнида ҳали ҳеч кимни ўз олдига туширмаган Умар ал-Хайём Нишопурийдир” (11, 380) — дейди.

Ғафур Ғулом адабий-танқидий мақолаларида Умар Хайём шеърятининг ўзига хослиги, эстетик тафаккур кўлами, бадиий маҳорати, назмдаги мақомотининг жаҳон адабиётшунослари томонидан эътироф этилишига оид мулоҳазалар билдирилади.

Шоир улуғ мутафаккирдан шунчаки таъсирланиш ёхуд унга эргашиш билангина чекланиб қолмасдан, асарларида ижодий ўзига хослигини шундай намоён этганки, бу ҳолат шоир адабий меросининг яшовчанлигини таъминлаган муҳим омиллардан бирига айланган. Фикрмиз тасдиғини шеърлар таҳлили асосида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Умар Хайём ёзади:

Токай қош чимиртар дунё ташвиши,

Муродга отказмас кўнгил гиш-гиши.

Сен, менинг ишимиз эркимиздамас,

Қазога кўникши — донолар иши (7, 33).

Рубоийда дунёвий ташвишлардан баланд тура олиш, олам сирларига тафаккур юксакликларидан нигоҳ ташлаб, тақдирга ризолик, шукроналикда яшаш оқил банданинг тутуми эканлиги ҳақидаги диний-илоҳий ва фалсафий-дидактик фикрлар илгари сурилади. Шоир фалсафий умумлашмаларида ўткинчи дунё ҳою-ҳавасларига боғланиб қолиш кишини асл моҳиятни англашдан йироқлаштириши муқаррарлигига ишора қилинади. Шунга яқин фикр-қарашларни Ғафур Ғуломнинг қуйидаги тўртлигида ҳам кузатамиз:

Бир яшаш, бир ўлим — ҳаммамизга ҳақ,

Бир ҳақни ҳеч зolim тортиб ололмас.

Чунки катта мақсаднинг миллиард йилида

Гитлердай ғаддорнинг умри бир нафас (9, 292) .

Бунда яшаш ва ўлимнинг ҳақлиги, инсонга ҳаёт бир мартагина ато этилиши, миллиард йиллардан буён азалий чарх улуғ мақсадлар йўлида айланаётганлиги, ҳар қандай ғаддор ва зolimнинг умри абадиёт олдида лаҳзалик эканлигини англамай олам ҳукмронлигига даъво қилиши беҳудалиги хусусида сўз боради. Ғ. Ғуломнинг бу мулоҳазалари шаклланишида Шарқ фалсафаси, хусусан, Умар Хайём рубоийларининг таъсири борлиги сезилади. Айни пайтда, Ғафур Ғулом шеърида ўз даври воқеаларига фаол муносабат билдирибгина қолмай, балки зулм ва қабохатнинг эзгулик қаршисида маҳв бўлишига инсониятнинг миллиард йиллик тажрибаси гувоҳлик беришини таъкидлаш орқали умидбахшлик концепциясини ўтказишга ҳам муваффақ бўлади.

Кўринадики, Ғафур Ғулом ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қарашларига Умар Хайём фикрлари муайян даражада таъсир қилган. Шоир Хайём қарашларини янада кенгайтириб, чуқурлаштирган ва асарида ўз даври нуқсини ҳам бера олган.

Адабиёт тарихида ўтган барча шоир-ёзувчилар инсонни озод, эркин ва бахтли кўришни истайди. Шунинг учун ҳам озодлик ва эркинлик ижодкорлар учун асосий мавзулардан бири бўлиб келган. Бундай ўринларда адибларнинг фалсафий қарашлари эстетик идеаллари билан муштарақлик касб этади.

Умар Хайём ижодида ҳам бу мавзу поэтик тадқиқ этилган шеърлар анчагина. У нафақат алоҳида инсонни, балки ер юзидаги бутун инсониятни хур ва озод кўришни орзу қилади. Одам боласининг хушнуд яшашини шоир унинг қорни тўқлиги, ошиёни бутлиги билан ўлчар экан, биринчидан, қаноатли киши сифатида, иккинчидан эса, даврни оддий одамга бўлган

эътиборнинг даражаси билан баҳоловчи инсон сифатида намоён бўлади:

*Кимнингки бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй-ошиёни,
На биров унга қул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин, хушдир замони (7, 270) .*

Ғафур Ғуломнинг “Куёшнинг ёруғлиги барча халққа баробар” шеърисида шу фикрларга яқин қарашлар ифодаси кузатилади. Шоир нафақат алоҳида шахснинг озодлиги умуминсоний моҳият касб этиши, балки инсон мустақил фикр, муқаддас эътиқод ва ишончга таяниб яшасагина маънавий-руҳий осойишталикка эришади, бировни қарам қилмаганидек, кимсага тобе ҳам бўлмаслигини ёзади:

*Ҳар бир озод кишининг
Ўз фикри, ўз ишончи.
Жумла инсонларга хос
Китоби ва таянчи.
На бировни қул қилур,
На бировга бўлур қул.
Ҳамма одам ёру дўст,
Қайғусиз ёруғ кўнгил (10, 284).*

Бу икки шеърдаги эрк ва озодлик тушунчалари талқинида ўзаро ҳамоҳанглик ва айни пайтда индивидуаллик мавжуддир. Умар Хайём учун жамият аъзолари бахтининг асосий шартлари уларнинг эркин яшашларидир. Шоирга бир бурда нон ва яшаши учун уй бўлишининг ўзиёқ унинг эркин ва озод яшашига етарли асос бўла олади. Шеърдаги “бир бурда нон” ибораси инсон эҳтиёжини қондириш учун етарли бўлган моддийликни билдиради. Шоир умумлашмаларида озодлик билан бирга мол-дунёга ружу қўймаслик, шукроналик, сабру қаноат ҳақида сўз боради. Ғафур Ғулом лирик қаҳрамони учун эса кўнгилнинг қайғусиз, ёруғ бўлиши, ҳамма одамнинг ёру дўстлиги ҳеч кимга қул бўлмасликдадир. Инсоннинг озод ва эркин, ўз фикри ва ишончига эга бўлиши саодатдир. Бунда шоир қарашлари Хайём фикрларига ҳамоҳанг ёки унинг такроригина эмас, балки сўфий шоирнинг қарашлари янада кенгайтирилиб, чуқурлаштирилиб инсоннинг озод, тинч ва қайғусиз хотиржам яшаши маърифат, эътиқод билан боғлаб талқин қилинган. Шеърда синекдоха санъатини юзага келтирган “китоб” сўзи ана шу маъноларни англатади.

Ушбу шеърга Ғафур Ғулом халқ дарду ташвиши, қайғу-аламлари, орзу-интилишлари, кўзлаган манзилларини тасвирлаш орқали миллат юраги тубидаги умидбахшлик руҳини ҳам сингдириб юборади:

Тезда шундай бўлади,

Шундай замона яқин.

Ғоят ёруғ йўл томон

Борамиз оқин-оқин.

Шоирнинг идеал замон ҳақидаги қарашлари “Шундай замона яқин” мисрасида мужассамлашган. Унинг лирик “мен”и инсониятга дарддошлиги, ҳамфикрлиги, тақдирга куюнчаклиги билан бирга муайян маънода ўзи яшаётган замонаси билан боғлиқ идеалларни ҳам тасдиқлайди.

Ғафур Ғулом ижодига Умар Хайёмнинг таъсири образли ифодалар яратишда ҳам кўринади. “Булбулнинг кўзидай нол тўгаракка, / Бир бутун коинот сиға олади” (“Инсоният программаси”) байтидаги образли тафаккурда Умар Хайёмнинг “Тўгарак жаҳонни узук деб билсак, / Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз” мисраларининг таъсири сезилади. Умар Хайём тўгарак жаҳонни узук, инсониятни эса узук кўзи — гавҳари деб билса, Ғафур Ғулом образли тафаккур қудрати булбулнинг кўзидай нол тўгаракка бутун коинотни сиғдира олади. Зотан, донишманд Шарқнинг ҳар бир ижодкори бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд мақомидадир.

Умар Хайём: “Тўнкарилган жомдай кўринар осмон, Остида забундур кимки билағон” (7, 178) дея осмонни тўнкарилган жомга ўхшатиб, донишмандлар жаҳолат қаршисида бекадрлигини ифода этса, Ғафур Ғулом “Инсоният программаси” шеърида: “Боши баландлигига кўкни ўхшатомайман / Осмон деган нимадир? / — Тўнкарилган эски тос” (9, 152) , — дейиш орқали мағрур инсон бошининг улуғворлиги олдида ҳар қандай маконий юксаклик ҳеч нарса эмаслиги, жаҳолат, албатта, маҳв бўлажagini ғурур ва ифтихор билан ифода этади.

Умар Хайём ўз шеъриятида “май”, “бода”, “шароб”, “коса”, “соқий” сингари тасаввуфна рамзий образларга тез-тез мурожаат этиш орқали илоҳий ишқни улуғлашга, Ҳақ маърифатини, лирик қаҳрамоннинг турфа хил кечинмаларини ёритади. Бундай анъанавий образлар Ғафур Ғулом шеъриятида ҳам учрайди. Шоир уларни ўз замонига мос ҳолда қўллаб, яшаш шавқи, ҳаёт гўзаллигини улуғлаш каби янгича маъноларни ифодалаган. Умар Хайём ёзади:

Май ичамен, мастлик қилмаймен асло,

Қадаҳдан ўзгача бўлмайман бало.

Бода ичишликдан менинг гаразим —

Ўзимга сен каби қўймаслик бино (7, 99).

Академик Алибек Рустамов мумтоз шеърятдаги “май” сўзи ва унинг маънодошлари ҳақида қуйидаги фикрларни баён этади: “Май” сўзи ва унинг маънодошлари асарнинг маъносида келганда ичкиликни билдиради. Лекин сувратда келганда ҳақиқат маърифати, унга бўлган ишқу муҳаббат ва уни идрок қилгандаги лаззатни билдиради. Бу ҳолда май сўзи истиора тарзида қўлланилади, яъни “май” сўзи мазмунан “ҳақиқат майи”, “ишқ майи”, “васл майи” деган ибораларга тенг бўлади” (6, 45). А. Рустамов бу ҳақдаги фикрини давом эттириб, меҳру муҳаббат билан май ўртасида қандай ўхшашлик бор, деган саволга жавобни Жомийнинг “Лавомеъ” асарига таяниб, улар ўртасидаги ўхшашликлардан ўнтасини келтириб ўтади. Демак, Хайёмнинг юқоридаги шеърида “май” истиора сифатида қўлланилган бўлиб, “май” — ҳақиқий ишқ, “коса” эса маърифатдир. Ишққа мубтало бўлган кишининг инсоний фазилятлари орта боришини назарда тутсак, шеърдаги ошиқнинг май ичишдан кўзлаган мақсади аён бўлади. Рубоийнинг мазмунини шундай тушуниш мумкин: “Мен қанчалик ишққа мубтало бўлсам, ҳақиқат маърифати билан кўнглимни тўлдираман. Мен ишққа мубтало бўлишимнинг боиси бошқалар каби ўзимга бино қўймаслик, яъни инсонийлик фазилятларимни сақлаб қолишдан иборатдир”.

Умар Хайём шеърларида “май” ва у билан боғлиқ образлар ниҳоятда кўп қўлланилиб, уларда ботинан Ҳақни таниш, ўзликни англаш, ҳақиқат маърифатини идрок қилиш ғоялари улуғланган. Назаримизда, мазкур образ Гафур Ғулом шеърларида учрайдиган “соқий”, “май”, “шароб”, “қадах” образларининг яратилишига муайян даражада таъсир кўрсатган. Албатта, бир қарашда Гафур Ғулом ижодий меросидаги мазкур образлар билан боғлиқ ўринларда зоҳирий маънога урғу берилгандек туюлади. Яъни улар воситасида яшамок ва курашмоқ, ҳаёт завқини куйлаш назарда тутилгандек таассурот пайдо бўлади. Аммо Гафур Ғулом шеърларини синчковлик билан кузатсак, “май” ва унинг маънодошлари қўлланилган ўринларда рамзий маънолар ҳам борлиги аён бўлади. Жумладан, шоирнинг “Янги йил қўшиқлари» шеъридаги ушбу мисраларни кузатсак:

Майда акс этмишидир саҳар кулгуси,

Куёшга ранг берур юзларнинг туси,

Димогда эртанги баҳор атри бор,

Бизга қучоқ очар голиб келгуси (9, 49).

Шеърдаги “май” шунчаки ичкилик маъносини англатганида ҳам шоир унда тонг мусаффолиги, баҳор атрини туяйдиган, эртанги кунга ишонч билан боқадиган соҳир қалб эгаси бўлган лирик қаҳрамон кайфиятини поэтик идрок этмоқда. Юзлардаги қизилликнинг куёшга ҳам ранг бера олиши, димоғларда эртанги баҳорнинг атри бўлиши сингари тасвирлар ботинида рамзий

маънолар мужассамлашгандир. Шеърнинг кейинги мисралари фикрларимиз тўғри эканлигини кўрсатади:

Алёрлар бошлангиз, бахт бўлсин соқий,

Қадаҳлардек тўла дил иштиёқи!

Қуёш паймонадек ҳар кўнгил равшан,

Унинг умри каби умрлар боқий (9, 51).

Ушбу шеър янги йил муносабати билан ёзилган. Унда шодон кайфият устувор. Ҳаётга назар ташлаган шоир иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонилишига ишонади, шу боисдан ҳам бахт соқийлик қилиб, алёрлар бошлашга ундайди. Бу ҳол дилдаги иштиёқ, кўнгилдаги равшанликдан туғилган туйғудир.

Шоир инсоният тақдирига, инсон умрининг абадийлигига некбин ишонч руҳи ҳамиша қаттол ёвни яксон этиб келган халқимиз умрибоқийлигини китобхон шуури ва сезимларига юктирарлик қадар таъсирчан поэтик инъикос этади. Шу боис ҳар кўнгилнинг равшанлигини “қуёш паймонадек” дея таърифлайди. Мумтоз шеърятда “паймона” май ичиладиган коса ёки идиш маъносини билдиришини назарда тутсак, шоир шароб қизилигини қуёшга менгзаб, шароб тўла идишни эса “қуёш паймона” дея тасвирлайди. Демак, қуёш ёруғлиги ҳамиша теварак- атрофни нурга буркаб, яшнатиб турганидек, бахт соқийлик қилган даврада сармаст кишиларнинг кўнгил равшанлиги унга ўхшатилади. Фафур Фулом анъанавий “соқий”, “қадах” образларини янгича маъноларда қўллаб, тинч-тотув ва бахтли ҳаёт, душманга нафрат, келажакка ишонч ҳақидаги фалсафий умумлашмаларини тарихий қиёслар орқали ифодалай олган.

Фафур Фулом ўзи яшаб турган давр манзараларини чизишда ҳам “соқий” ва «шароб» образларига мурожаат қилган. Бундай ўринларда ҳам мазкур образлар рамзий моҳият касб этади. Шоир “Қутлуг йил тонгида” шеърида шундай ёзади: “Соқий, менга сун қадах, йигирманчи асрнинг / Ичган сари кишини хушёр этар шаробин”. Ушбу мисралар зоҳирий маънода шароб ичиш туйғули туғилган туйғулар ифодасидек таассурот қолдириши ҳам мумкин. Эътибор берилса, унинг мазмунида кўпмаънолилиқ мужассамлашгани аён бўлади. Шеърдаги “соқий” ҳаёт, “қадах” инсонга берилган умр, “шароб” эса замон деб тушунилиши мумкин. Зеро, инсон ҳаётда яшаш давомида тўплаган тажрибаларидан сабоқ чиқариб, тобора хушёрроқ бўла боради. Айниқса, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган талотумларни бошидан ўтказган XX аср кишиси ҳамиша сергак бўлишга мажбур. Демак, шеърнинг лирик қаҳрамони давр воқеаларига ниҳоятда хушёрлик билан қараши, ҳаётнинг аччиқ қийинчиликларини кўрган сари эҳтиёткорроқ бўла бориши ҳақидаги фикрлари билан ҳозирги даврда яшаган инсон кўнглини ифодалайди, реал турмуш манзараларини акс эттиради.

Шоир пейзаж тасвирига бағишланган шеърларида ҳам “соқий” образига мурожаат қилади. “Барди кўрпаларни елкага қийғоч ташлаб, / Учиб қолган соқийдай гунгурс ухлайди тоқлар” (9, 152). Бу шеърдаги образлар табиийлиги ва бетакрорлиги билан эътиборга молик. Барди кўрпаларни елкасига ташлаб ухлаётган тоқларнинг учиб қолган соқийга ўхшатилиши Ғафур Ғуломнинг бадиий кашфиётидир.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай

Дамлар ганиматдир, умрзоқ соқий.

Қуёшқу фалакда кезиб юрибди,

Умримиз боқийдир, умримиз боқий (9, 61).

Шеърда ҳаётсеварлик ва мангу барҳаётлик руҳи устувор бўлиб, ундаги “соқий” шунчаки эмас, балки “умрзоқ”дир. Яъни у борликка тириклик улашувчи қуёш. “Шароб” эса инсонга яшаш учун берилган вақтдир. Демак, бу мисраларда инсон яшаш учун берилган вақтдан самарали фойдаланиши, ҳар бир дамнинг қадрига етиши, умрини боқийликка дахлдор қилиши ҳақида фикр юритилмоқда. Унда қуёшнинг фалакда кезиб юриши ерда ҳаётнинг давом этишига сабаб бўлганидек, эзгуликка интилиб яшаган инсоннинг умри боқийдир, деган фалсафий фикр гўзал поэтик ифодасини топган.

Умуман, Ғафур Ғулом мумтоз шоирларнинг шеърларида кўп учрайдиган “май”, “шароб”, “коса”, “соқий” каби тасаввуфona образларни ўз бадиий ниятига мос ҳолда қўллаб, талқин ва ифоданинг ўзига хослигини таъминлашга эришган. Мазкур образлар шоирга ҳаёт, умр, яшаш мазмунини нозик туйғулар билан ифода этишда қўл келган.

Хулоса. Англашиладики, Ғафур Ғулом фалсафий умумлашмаларида бедилона фикрлаш ва ифода йўсини ўз аксини топган. Шоир ҳар бир лаҳзанинг қадри, мазмун кўлами, инсоний моҳияти, макон ва замонни фалсафий-эстетик идрок этишда мазкур образга фаол мурожаат қилиш орқали шеъриятининг бадиий юксалиши, поэтик жилвакорлигини таъминлашга эришган.

Ғафур Ғулом шеъриятига Шарқ шоирлари меросининг таъсири кенг кўламли ва бу, аввало, ҳаёт ва инсонни бадиий тадқиқ этишда, фалсафий-эстетик умумлашмалар чиқаришда кузатилади. Ғафур Ғулом яратган кўплаб образларда Шарқ шоирлари ижодий даҳосининг таъсири мавжуд. Бадиий фикрни содда, таъсирчан ва фалсафий мушоҳада билан ифодалаш услубини ўзлаштиришда аксарият шарқ классик шоирлари каби Бедил ва Хайём мероси Ғафур Ғулом ижоди учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган.

Бинобарин, адабий таъсир ва ижодий ўзлаштириш ҳақида сўз юритилар экан, шоир таъсирланган адабий манбаларни

ўрганиш, унинг поэтик маҳорати сайқаллашувига туртки бўлган ҳодисаларни илмий тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, Ғафур Ғулом ижодининг шакл ва мазмун мутаносиблиги, талқин ва ифодасининг ўзига хослигини таъминлашда Шарқ шеърятининг салмоқли ўрни бор. Юқорида кузатилган бир қанча уйғунликлар Ғафур Ғуломнинг Шарқ адабиёти анъаналарига муносабати ҳақида муайян тасаввурлар бера олади. Бу эса шоир ижодининг поэтик жилоси, бадий-фалсафий ўзига хослигини англашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бедил. Рубоийлар / Таржимон Ш. Шомухамедов. — Тошкент: Ўзбекистон, 1985. — 439 б.
2. Мамажонов С. Услуб жилolari. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. — 219 б.
3. Матёқубова Т. Ғафур Ғулом бадийати. — Тошкент: Фан ва технология, 2006. — 160 б.
4. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. — Тошкент: Фан, 2004. — 240 б.
5. Рамз Бобожон. Ғафур Ғулом сабоқлари // Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2003. — Б. 40–45
6. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. — Тошкент: Ёш гвардия, 1987. — 160 б.
7. Умар Хайём. Рубоийлар. Таржимон: Ш. Шомухамедов. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. — 303 б.
8. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. — Тошкент: Фан, 1983. — 326 б.
9. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.2. — Тошкент: Фан, 1984. 430 б.
10. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.3. — Тошкент: Фан, 1984. — 427 б.
11. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.11. — Тошкент: Фан, 1989. — 425 б.
12. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.12. — Тошкент: Фан, 1990. — 420 б.
13. Шомухамедов Ш. Гуманизм — абадийлик ялови. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. — 162 б.
14. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1997. — 240 б.

References

1. Bedil, *Ruboiilar*, Tarzhimon Sh. Shomuhamedov (Ruboiids, Translator Shamuhamedov), Tashkent: Uzbekistan, 1985, 439 b.
2. Mamazonov S., *Uslub zhilolari* (Polishing styles), Tashkent: Literature and Art, 1972, 219 p.
3. Matequbova T., *Gafur Gulom badiiyati* (Gafur Gulom artistry), Tashkent: Science and Technology, 2006, 160 p.
4. Nazarov B., *Gafur Gulom olami* (World of Ghafur Ghulam), Tashkent: Science, 2004, 240 p.

5. Ramz Bobozhon, *Gafur Gulom saboqlari. Gafur Gulom zamondoshlari khotirasida* (Gafur Gulom lessons. In memory of the contemporaries of Gafur Gulom), Tashkent: Publishing and printing house named after Gafur Gulom, 2003, pp. 40–45.
6. Rustamov A., *Suz khususida suz* (Word about the word), Tashkent: young guard, 1987, 160 p.
7. Umar Khaiem, *Ruboiilar. Tarzhimon: Sh. Shomuhamedov* (Rubais. Translator: Sh. Shomuhamedov), Tashkent: Literature and Art, 1970, 303 p.
8. Gafur Gulom, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.1, Tashkent: Science, 1983, 326 p.
9. Gafur Gulom, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.2, Tashkent: Science 1984, 430 p.
10. Gafur Gulom, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.3, Tashkent: Science 1984, 427 p.
11. Gafur Gulom, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.11, Tashkent: Science 1989, 425 p.
12. Gafur Gulom, *Mukammal asarlar tuplami* (A perfect collection of works), Vol.12, Tashkent: Science 1990, 420 b.
13. Shomuhamedov Sh., *Gumanizm — abadiilik yalovi* (Humanism is the vest of Eternity), Tashkent: Literature and Art, 1974, 162 p.
14. Haiitmetov A., *Adabii merosimiz ufqlari* (Horizons of our literary heritage), Tashkent: Teacher, 1997, 240 p.